


Англия Премьер-лигасида рўза тутган футболчилар оғиз очиб олишди



09:00 / 24.04.2022 1571

Жорий йилнинг 21 апрель санасида Англия Премьер-лигаси 30-турининг қолдирилган беллашуви — «Бёрнли» - «Саутхэмптон» баҳси бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувнинг 41-дақиқасида бош ҳакам Стюарт Эттуэлл хуштак чалиб ўйинни тўхтатди. Сабаби, «Саутхэмптон»нинг икки мусулмон футболчилари Муҳаммад Эльюнусси ва Ян Валери рўза тутганди. Ушбу кичик танаффусда улар оғизларини очиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Аллоҳ таоло барча рўзадорларнинг ибодатларини мақбул айласин! Ўзининг розилигига мушарраф этсин, офиятида, раҳматида қилсин!

***Tribuna.uz* телеграм канали асосида Хуршид Маъруф тайёрлади**